

10 25724  
0



ю  
25724  
0

Бибиражаб Эргашева

# НУРГА ОШУФТА ЮРАК



25724

10 0

2000A-2895

Эргашева, б/н

Народ окупа

Лондон: Издатель

2000A-2895

1000. 200c.

БИБИРАЖАБ ЭРГАШЕВА

НУРГА ОШУФТА  
ЮРАК

ШЕЪРЛАР



Абдулла Қодирий номидаги  
Халқ мероси нашриёти  
Тошкент - 2000

## ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ "ТУРОНДОТ" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Эргашева Б.

Нурга ошуфта юрак. Шеърлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти. 2000 – 40 б.

Мен яшайман икки дарё орасида,  
Сўлим гўша, гўзал Ёржон қишилогида...

Бу содда ва самимий сатрлар шоира Бибиражаб Эргашевага мансуб. Бибиражаб Бухоро туманинда туғилган. Касби ўқитувчилек. Ёшлигидан шеър дарди билан яшайди. Шу пайтгача шоиранинг "Меҳрим" (1995), "Райхон ифори" деб номланган шеърий тўпламлари нашр этилган.

Мен Бибиражаб билан шеърият баҳонасида эмас, балки бошқа бир сабаб билан танишиб қолганман. Мамлакатимиз Президенти топшириклари билан иқтидорли ёш мутахассислар билан мулоқотлар қилиши мақсадидан Бухорога борганимда танишганман. Юз-кўзи Бибиражабга ўшишган, Бибиражабдек ўқитувчилек касбини танлаган сингиллари билан танишганман. Бухоро туманилик бу сийратларда самимийлик ва соддалик барқ уриб турган уч опасингил билан танишув менинг ёдимдан асло чиқмаса керак.

Бибиражабнинг шеърларида ҳам ўша самимийлик-ўша соддаликни кўрдим. Үнанг сатрларида шеъриятга бўлган меҳр ва садоқат бор. Аслида бу меҳр ва садоқат шоиранинг она юртиги бўлган меҳр ва садоқатидан сув ичади.

Мен шоиранинг янги шеърий тўплами билан танишиб чиқдим. Ишончим комилки, шеърият ислосмандлари ҳам бу шеърлар билан танишганда мен туйиган туйигуларга шерик бўлаjakклар.

Бибиражаб, шеър йўлингиз оқ бўлсин!

Хуршид ДАВРОН

9.05.99 йил

Ў32

A

O'zb. Res. DK

2895

25724

o

## ИФТИХОР

Мард Гүрүғлининг учкур Фиркўки,  
Елкасида опичлаб учди дунёни.  
Донишманд элимнинг онги шуури,  
Юлдузга бахш этди сўнмас зиёни.

Алпомиши иймонни айлади шиор,  
Барчин танти алпдан қилди ифтихор.  
Келгандა ўлкамга келинчак баҳор,  
Тўмарис мардлигин айтади такрор.

Ватаним, сен ўзинг бешикка солиб,  
Бағрингда ўстирдинг Ибн Синони.  
Майдонда сен ҳар дам енгилмас ғолиб,  
Яратдинг Темурдек ўлмас сиймони.

Маккам ҳам ўзингсан, Мадинам ўзинг,  
Паноҳим ўзингсан-чин юрак сўзим.  
Куръондек ҳикматли, ҳадисдек теран,  
Қалбим қўшиғисан, сен азиз Ватан.

Кўкдаги сомон йўл меҳрингта пайваст,  
Бир кун карвонларинг шу йўлдан ўтар.  
Халқинг хизматингта ҳар дам камарбаст,  
Таърифингни келтириб қасида битар.

Жон ришталарим сенга боғланган,  
Дилимда жўш ураг ифтихор, ғуур.  
Ватаним, бағрингда озод яшайман,  
Бу туйғу қалбимга бахш этар сурур.

## МУҚАДДАС ШАҲРИМ

Ассалом, Бухором – шаҳри азимим,  
Юлдузлар ёшига тенгдош азалим.  
Юракдан мафтумман, сендадир измим,  
Сен онам, сен қаъбам, наво ғазалим.

Фарзандларинг сени фозили, салоҳ,  
Номингни улутлар коинот қадар.  
Тупроғинг алқаган сен шариф шаҳар,  
Аждодлар алқаган сен шариф шаҳар.

Фиждувоний Баҳоуддинга устоди аввал,  
Накшбанд тариқати сенда мужассам.  
Бухорий ҳадислари ақлга машъал,  
Ибн Сино таълимоти жонларга малҳам.

Юртим, таърифингни битмоққа,  
Фазал мулкин султони Навоий керак.  
Үтмишинг ва келажагинг ёзмоққа,  
Минглаб тарихнавис Наршахий керак.

Оллоҳ назар қилган, муқаддас шаҳрим,  
Етти иклим билади мўътабар номинг.  
Жамолингта етмоқ чун интилар ҳар ким,  
Баланд бўлсин иқболинг, юксалсин шонинг!..

## БУХОРО

Оlam ичра бир жаҳонсан  
Онажоним, жоним Бухоро.  
Мехринг куёш, жонга дармонсан,  
Бокий қўшиқ асл бир наво.

Не бахт эрур фарзандингман,  
Туғилдим гул тупроғингда.

Сиғингум мен саждагоҳдай,  
Бахтим топиб күчөнгінда.

Тоза иймон, нурдек шаффоғ,  
Мангу ҳикмат пурмаъно.  
Зарра гардинг айлай тавоғ,  
Нур жаҳоним, азиз маъво.

Боболар руҳи айлар дуо,  
Завол күрмә, камол топғин.  
Қадамжосан, тенгсиз аъло,  
Улуг номинг кўкка етсин.

### ҚАЕРДАСИЗ, ЛАЙЛАКЛАР

Недан чўчдингиз, кимдан кўрқдингиз,  
Кимдан ранжидингиз, недан хурқдингиз,  
Юртингиз ташлаб қай маконга кетдингиз,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Ватанинни тарк айлаб кетдингиз йирок,  
Минора бағрини ўртади фирок.  
Васлингиздан умид узмайди бироқ,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Сиз йўқсиз, Бухоро бағри кемтиқдир,  
Жаннатий боғлари сизга интиқдир.  
Айрилиқ алами жуда аччиқдир.  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Сизга тош отди қайси бир баттол,  
Парвозингиз уларга келдими малол.  
Кўргим келар сизларни – соғиндим алҳол,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Бутун давр ўзгача, ҳәётдир комрон,  
Истиклолга етди Ватан соғ-омон.  
Сүзларимга сира бўлмангиз ҳайрон,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Манзилингиз айтинг, борайин ўзим,  
Сизга нисор бўлсин соғ юрак сўзим.  
Нигоҳим самода термулар кўзим,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

Шахри шариф бағрига қайтинг,  
Боши узра чарх уриб, қўшиқлар айтинг.  
Қалбдаги аламни тамом унугинг,  
Қаердасиз, укпар қанот лайлаклар?

### ШУКРОНА

Берунийнинг хоки қолди йирокда,  
Рўдакий ҳайдалди сўкир қароғда.  
Машраб осилди ўзга тупрокда,  
Сўнгти айтар сўзи сен бўлдинг, Ватан.

Ибн Сино ўзга юртда бўлганда сарсон,  
Бобур Ватан дея чекканда фироғ,  
Фурқат Ватандин айри тушган он,  
Минг чандон муқаддас бўлгансан, Ватан.

Васлингта етолмай бағри қон бўлган,  
Ҳажрингда ўртаниб, аччик ёш тўккан.  
Илинж билан қароги юмилмай кетган,  
Руҳида барқарор яшайсан, Ватан.

Фарзандингман бағрингда кичик бир зарра,  
Камол топиб яшайман, шукур минг карра.  
Сен буюгим сен суюгим энг сара.  
Онажоним ошёним сен - Ватан.

## ВАТАН МЕХРИ

Кузда ошёнин тарк этган қушлар,  
Навбаҳор фаслида юртига қайтар.  
Шод бўлиб, юраги севинчга тўлиб,  
Юрти шаънига ҳамду сано айтар.

Нагмаларида Ватанинг меҳри,  
Софинчин жўшиб айлайди изхор.  
Мафтун этмишdir Ватанинг сеҳри,  
Шукроналар айтар келганда баҳор.

Софинч ҳиссини юракдан туйиб,  
Қушлар Ватанин шунчалик қўмсар.  
Инсончи, Ватанин жонидан суйиб,  
Зарра тупроғин кўзига суртар.

## МАФТУНИНГМАН, ШЕЪРИЯТ

Мафтун этдинг мени, шеърият,  
Ишқинг билан ёниб яшайман.  
Бир лаҳза йўқ менда ҳаловат,  
Сени асло тарк этолмайман.

Сен эрурсан яқин сирдошим,  
Сұхбатлашиб оламан таскин.  
Маҳзунликда менинг бардошим,  
Борлигинг чун сенга офарин.

Ватан бўлиб бағрингта олдинг,  
Она каби эркалаб сўйдинг.  
Юрагимга ишқ ўтин солдинг,  
Ва ишқингда сарсон айладинг.

Бу ишқ мени тарк этмас асло,  
То ҳаётман мен билан ҳамроҳ.  
Қалбим сенга абадий макон,  
Сенинг билан биргаман ҳар он.

## НУРГА ОШУФТА ЮРАК

Осмон тутди юзига ҳижоб,  
Оlam сиёҳ рангта бўялди.  
Рухим қийнар ўртайди изоб,  
Нурга ташна юрак қийнайди.

Телба шамол мажнундек кезар,  
Оғир карвон булут кўчади.  
Хаёлларим кезар дарбадар,  
Нурни истаб эшик очади.

Ҳазиллашиб осмон ҳижобин.  
Тортқиласи бесабр шамол.  
Нур тарапди гўзал ораздан.  
Қуёш яна кўрсатди жамол.

## ТОНГ ҚИЗИ

Тонг чоги,  
Кўкда юлдузлар ғуж-ғуж.  
Улар аро бир юлдузга,  
Нигоҳларим келди дуч.

Нури ялтирок, нафис,  
Бошида ҳарир дурра.  
Кумуштан, гули наргин,  
Билсам, бу тонг қизи - Зухра.

## ШИРИН ХАЁЛ

Самога хаёлан қилдим саёҳат,  
Юлдузлар кўшкида бўлдим мен меҳмон.  
Булутдан тўшаклар тўшаб катма-кат,  
Парку болиш кўйиб қилдилар иззат.

Даврада бекадир соҳибжамол ой,  
Юзидан нур ёғар, тўлғанар кокил.

Гўзал ва дилбардир нафосатга бой,  
Хуснidan телбадир ҳар қандай кўнгил.  
Соз чалиб рақсга тушди юлдузлар,  
Ок, нафис кўйлакда мисли ҳур қизлар.  
Мафтун бўлдим улардан узолмай кўз,  
Таъриф чун дунё кезиб тополмам сўз.

Сомонийўл бўйлаб кездим фалакни,  
Турфа мўъжизага бўлдим мен дучор.  
Жамоли яктордир само малакни,  
Гўзаллик ҳақида бошқа сўз бекор.

Тонига қадар қурдилар базми жамшид,  
Зулмат тун сочларин зеболаб ўрди.  
Зар кокилин ёймай олами хуршид,  
Ширин хаёл ўзни заминда кўрди.

## ҲИЛОЛ

Юлдузлар қуршовида чикди янги ой,  
Нафислиги бағишлар ҳуснига чирой.  
Юлдузлар дугона, гўё у келин,  
Ҳаё ва нафосат бўлмишdir сепин.

Чиройидан оқшом бўлмиш нурафшон,  
Ҳар бир ошиқ арзир садқа қилса жон.  
Ошиқларга ибратдир унинг вафоси,  
Мадхин жўшиб куйласин кўнгил навоси.

Осмоннинг безаги мафтункор ҳилол,  
Мангубарқарор бўл, кўрмагин завол.  
Кўнгиллар ёғунгдан бўлсин мунаввар,  
Само гумбазида сен ёник гавҳар.

## КЕТМА, ҚҮЁШ

Кўзларимга ботди қүёш,  
Чўмилди у қарогимда.  
Барисига бергум бардош,  
Фақат чўкиб қолмасинда.

Қарогимда бўлди меҳмон,  
Зиёсидан кўзим равшан.  
Дилгинамда бир тавалло,  
Бунда қолсин айлаб Ватан.

## ТУН

Қора сочин ёйиб, тун кириб келди,  
Манглайига юлдуздан тиллақош такиб.  
Ойдан сирға тақди, ороланди у,  
Ва кетди борлиқнинг бағрига сингиб.

Гоҳ ўхшар малакка, гоҳ волидага,  
Меҳр билан оламни ўраб чирмайди.  
Эртаклар айтади ширин сўзи-ла,  
Кеч киришин оллоҳдан интиқ сўрайди.

Тун алла айтади бутун оламга,  
Ором олар оғушида бутун мавжудод.  
Унинг таърифини олдим қаламга,  
Ҳар тунда мўъжиза бўлади бунёд.

## УМИД ЧИРОГИ

Хаёл тарқоқ, рухим оғир,  
Кўзларимда мунгли ғам.  
Айрилиқдан юрак оғрири.  
Тушунмай лек ўзим ҳам.

Дилгинамга дағн этдим,  
Орзуларимни бу кун.  
Барисига құл силкидим,  
Либос кийдим мисли тун.

Сарик лиbos кийди сабр,  
Күлда асо, армон йиғлар.  
Мотам гулдан бурканди қабр.  
Умид эса дилин тиғлар.

Қабр узра хазон фасли,  
Түшаб зағар либосин.  
Хаёт ўзи шундай асли,  
Деб шивирлар видосин.

Мармар муздан ясаб шакл,  
Лавҳа битди зисмистон.  
Шошиб қолар бунда ақл,  
Лек сукутда кабристон.

Кучокларин көнг ёйиб,  
Кириб қелди гулбағор.  
Хушбүй-хушбүй атрин сепиб,  
Мехр-ла бокди такрор.

Қалбим қабри узра чечак,  
Ҳар ён яшнаб бўй чўзди.  
Шодликдан чалиб чапак,  
Ҳасрат либоси тўзди.

Умид кўксига чирок,  
Қайта яна нур сочди.  
Орзулар ёйиб япрок,  
Севинч кирғоқдан тошди.

## УМР

Юлдуз учди кўкда ногаён,  
Бир ёруғ из қолди ортидан.  
Дерлар бунда узилди бир жон,  
Бир рух кетди инсон зотидан.

Ерда гарчи туғилса инсон,  
Руҳи кетар осмон бағрига.  
Бўлса неки бор имкон,  
Сарф этолсин она ерига.

Яшар бўлсанг ҳаётда оқил,  
Сенга бўлсин эзгулик ҳамроҳ.  
Сендан рози бўлса ҳар бир дил,  
Демак, умринг ўтмабди бекор.

Қалбинг кўкда қуёш бўлгуси,  
Юлдузлар-чи, чақноқ кўзларинг.  
Ой ҳам сендан андоз олгуси,  
Майин насим дилбар сўзларинг.

Осмон йўли ҳаёт йўлингdir,  
Оппоқ булат руҳи пок эрур.  
Покиза тонг жўшкин қалбингdir,  
Шу хислат-ла бокийдир умр.

## ТОНГ

Нақадар гўзал тонг,  
Нозли, ишвали.  
Мафтункор бир малак,  
Сирли, жилвали.

Имлаб мени чорлар,  
Тилсим кўшкига.  
Телбадек чопаман,  
Лолман кўркига.

У тентсиз афсунгар,  
Сәхрлар мени.  
Тонгта шайдо бўлдим,  
Хайр, мен кетдим энди.

### ДАДАЖОНИМ

Дадажоним меҳрибоним ҳам  
посбоним,  
Сизга меҳрим дилда гўё жўшқин  
уммон.  
Куёш қадар сиз юксаксиз, сиз  
осмоним,  
Кора соchlар хаёл мисол ёдда  
ҳамон.

Кеча эди, соchlарингиз тундек  
кора,  
Ўстирдингиз фарзандларни меҳр  
нисор.  
Бугун эса бошингизда кумуш  
порлар,  
Дуо қилгум, эгилмасдан юринг  
зинҳор.

Сиз мадорим, сиз танамда оқар  
қоним,  
Ҳам оқилу, ҳам сахийсиз, сиз  
жаҳоним.  
Нурингиздан файзга тўлар  
хонадоним,  
Ҳам шарафим, ҳам шонимсиз  
отажоним.

## ҮРИК ГУЛИ

Баҳорда ўрик гуллади кийғос,  
Келинчакнинг ҳарир рўмоли мисол.  
Боларилар бўлиб парвона ҳамроҳ,  
Гулнинг дудоғидан олишади бол.

Шабада сийпалар гулнинг оразин,  
Муаттар ифори анқир ҳавода.  
Андалиб мастона куйлар дил розин,  
Ишқ ғазалин айтар субҳи сабода.

## ИСИРИҚ

Бўйнимга шодалаб тақайми сени,  
Ё дасталаб бағримга босай гул янглиғ?  
Солланиб-солланиб лол этдинг мени,  
Бувимдан меросим, тилсим исириқ.

Шифобахш гиёҳсан, луқмони ҳаким,  
Мафтункор баргларинг жажжи ва сарик.  
Ёмон кўз ва ҳасаддан асрыйсан доим,  
Замондан-замонга, элчим исириқ.

Бепоён саҳродир сенинг ватанинг,  
Ардоқлисан, иззат эъзозга лойик.  
Хонадон тўридир сенинг маконинг,  
Эзгуликка ҳар дам ёр, ирим исириқ.

## ТОҒЛАР

Булут билан бўйлашган,  
Куёш билан кўллашган.  
Қадим қўшиқ куйлашган,  
Азамат, мағрур тоғлар.

Момо Ҳавога маскан,  
Одам Ато зор кутган.  
Висол, дийдорга етган,  
Арофат азиз тоғлар.

Бошида кор оқ салла,  
Кифтин ювар шалола.  
Пойида чексиз дала,  
Серсавлат гўзал тоғлар.

Ҳавосидан шод юрак,  
Рух енгил мисли варрак.  
Орзу соф, тилак юксак,  
Табобат ҳаким тоғлар.

Асрларга сиз сирдош,  
Оlam-ла мангу йўлдош.  
Даврлар аро кўхна тош,  
Синоат сирли тоғлар.

*Тошкент, Сўқоқ  
1998 й. июнь.*

## БАҲОР

Оlam ёш қизлардай безанди чунон,  
Осмонни қоплади кушлар чуғури.  
Қалбимда ажиг ҳис жўш урар шодон,  
Ўлкамда барқ урар кўклам сурури.

Булут қанотида майин найсонлар,  
Ер юзин сийпалаб ғуборин ювар.  
Юртимга баҳш этар турфа эҳсонлар,  
Шодликдан чечаклар кўзини очар.

Мустакил диёргинг сўлим баҳори,  
Қалбларга баҳш этди юксак ифтихор.  
Тонг билан бошланар шодлик наҳори,  
Хур ўлкам, муборак фасли навбаҳор.

## КИЗФАЛДОҚ

Гүзал лолақизғалдок,  
Шохидек товланасан.  
Күксинг узра парча дөғ,  
Шамолда тебранасан.

Мунча гүзал ва маъсум,  
Қиз болага ўхшайсан.  
Күксинг қора дөғ нечун  
Сўраганда титрайсан?

Алдандингми нокаста,  
Жанинат ваъда этдими.  
Тенг эмас у хор-хасга,  
Қон йиғлатиб кетдими.

Титрамагин, бўлди бас,  
Бошқа савол бермайман.  
Ёнимда тур бир нафас,  
Жаннатни тенг кўрмайман.

Малҳам бўлай ярангта,  
Секин силай япрогинг.  
Хол бўлгин боғ Эрамга,  
Ёш кўрмасин қарогинг.

Гүзал лолақизғалдок,  
Шохидек товланасан...

## ШУДРИНГ

Майса япрогида марварид шудринг,  
Олмос жилосидек кўзни олади.  
Унинг гўзаллигин сиз ҳам бир кўринг,  
Кўнглингизга ажиб гулу солади.

Шудринг жилвасига боғланди дилим,  
Таърифин айтишга лол қолди тилим.

Унинг чиройидан завқларга тўлдим,  
Авайлаб қўлимга олмоқчи бўлдим.

Мен улардақ хўп нафис шодалар тизиб,  
Бўйнимга дур каби такмок истадим.  
Олмокчи бўлдим-у, қўлларим чўзиб,  
Замин бағрига у тушди сирғалиб.

Истагим сочилиди хаёлдек ҳар ён,  
Бу ҳол юрагимни айлади сиёҳ.  
Лек қалбимдан келди шундай бир туғён,  
Сен ўкинма, бундан ўсар-ку гиёҳ.

### МАЖНУНТОЛ

Эшигим ёнида бир туп мажнунтол,  
Бош эгиб ҳар эрта беради салом.  
Мен унинг ҳуснига бўлиб мафтун, лол,  
Секин сочин силаб, эттум эхтиром.

Мажнунтол не сабаб сочинг ёйибсан,  
Алифдек қаддингни ергача эгиб?  
Нечун мунча ўзинг танҳо сезибсан,  
Бевафо қўйдими ироданг букиб?

Қаддинг кўтар, эркам, соchlaringни ўр,  
Зилол сув пойингда, юзалрингни юв.  
Мен билан ҳасратлаш, аҳволимни сўр,  
Дардларим қалбимга солади гулув.

Ғанимлар найранги ўртар дилимни,  
Ёймоқ истар жондек пинҳон сиримни.  
Дўст тутиниб, сўнгра чоҳлар ковлади,  
Нозик қалбим қиймалашни хоҳлади.

Азизим, қўтаргин маъюс бошингни,  
Ғанимлар кўрмасин кўзда ёшингни.

Кел, дунёга умид билан бокайлик,  
Қасд қилғанни оташларда ёқайлик.

### ҚИЗЛАРЖОН

Қалбингиз тиниқ, чашмага ўхшар,  
Оlam сиз билан яшнаб-яшарар.  
Сизга мафтун бутун бир башар.  
Жон қизларжон, сиз оғатижон.

Гулнинг қатида сизнинг сўзингиз,  
Иболи бокар чарос кўзингиз.  
Ойдан гўзал сизнинг ўзингиз,  
Жон қизларжон, сиз моҳитобон.

Сочингиз ифори анбарафшон,  
Садқалар бўлсин сизлар учун жон.  
Соф севгингиз юракда пинҳон,  
Жон қизларжон, сиз сарвиравон.

Сизлар эрурсиз мисли париваш,  
Фариштадек сизлар хуру маҳваш.  
Гўзал бўлиб қолингиз яккаш,  
Жон қизларжон, сиз ширин забон.

### БИЛУРМИСАН ҚИСМАТИНГ...

Атлас қанотли  
Гўзал капалак.  
Жилоланасан  
мисли камалак.  
Рақс этарсан  
парвойи фалак.  
Билурмисан  
қисматинг, эркам?

Гулзор аро сайр  
этасан шўх.

Дунё билан ҳеч  
ҳам ишинг йўқ.  
Гулзорингдан доим  
кўнглинг тўқ.  
Билурмисан  
қисматинг, эркам?

Беозорсан нафис  
ва маъсум.  
Чаманзор ҳам  
сенгадир мафтун.  
Тақдирингдан  
гуллар бағри хун.  
Билурмисан  
қисматинг, эркам?

Дунё ўзи икки  
эшикдир.  
Тақдиринг манглайингда  
битикдир.  
Дунёнинг бир томони  
кемтиkdir.  
Билурмисан  
қисматинг, эркам?

Умр йўли узун-қисқа.  
Тор ва кентdir.  
Лаҳза умринг  
мангуликка тенгdir.  
Умр тушдир, қолар  
яхши номинг ўнгdir.  
Билурмисан  
қисматинг, эркам?

## ҚИСМАТ

Шамолда тебранар  
бир туп қизғалдок.  
Жуфтини кутади  
бесабр мушток.  
Күксіда хижрондан  
пайдо бўлди дод.  
Эҳ, қисмат экан-да...

Япроқлар тўзгиди,  
хаёл сингари.  
Шамол олиб кетди  
ўйнаб сарсари.  
Мунгайиб қолди  
бир ғарип каби.  
Эҳ, қисмат экан-да...

Қизғалдокдан мерос  
хижроннинг доғи.  
Тўзгиган барглардир  
ишқнинг фироги.  
Мұхаббат достонининг  
йўқдир адоги.  
Эҳ, қисмат экан-да...

## ГУЖУМ

Йўл бўйида бир туп гужум,  
Ўсар даврга юз тутиб.  
Бутоғида кушлар гавжум,  
Шўх сайрайди шод бўлиб.

Ҳордик олар соясида,  
Ҳар бир ўтган йўловчи.  
Гужум шоддир бағри бутун,  
Танга сифмас севинчи.

Ёлғизликдан чекмас фарёд,  
Мевам йўқ деб қилмас афсус.  
Мавжудод-ла бағри обод.  
Бошқа ҳакда йўқдир хусус.

## ОНАЖОН

Қалбимда жўш урар кучли ҳаяжон,  
Титрайди қўлимда тутган қаламим.  
Бугун сизга атаб, азиз онажон,  
Изҳор этай дилда нелар борлигин.

Бағрингизда улғайдим, камолга тўлдим,  
Мехр чашмангиздан баҳраманд бўлиб.  
Халқим хизматига сазовор бўлдим,  
Қаршингизда турибман сарбаланд бўлиб.

Қайғу дуч келганда турдим мен тоғдек,  
Тиз чўкмадим ғанимга совуқ бир тошдек.  
Аммо қаршингизда бугун, онажон,  
Чексиз таъзимдаман, дилда эҳтиром.

Жонингиз жонимга этиб сиз пайванд,  
Мени яратдингиз дил эъзозидан.  
Бахтлиман, бўлибман мен сизга фарзанд,  
Ўргулайин мен хуш овозингиздан.

## БЎЗТЎРҒАЙ

Навбаҳорда жам бўлиб қушлар,  
Ажиб тилда қўшиқ куйлашар.  
Мафтун бўлиб тинглайди башар,  
Фақат нега бўзлар бўзтўрғай?

Баҳор сенга бермадими баҳт,  
Бўзлатдими сени хиёнат.  
Чанг солдими баҳтингта қалхат,  
Бўзтўрғайим, нега бўзлайсан?

Тожинг бору аслида бетахт,  
Ошёнинг бузиб, айлашдими қасд.  
Маконингдир дала, киру дашт,  
Бўзтўргайим, нега бўзлайсан?

Нолишларинг эзди юрагим,  
Юзларимни ювдилар ашким.  
Сўзлар топиб, келар юпаттим,  
Бўзтўргайим, нега бўзлайсан?

Беш кунликдир ўзи бу дунё,  
Хар бошда бор бир талай ғавғо.  
Бу оламда ғам чекма асло,  
Бўзтўргайим, нега бўзлайсан.

### ЁМГИР ЁҒДИ

Ёмғир ёғди кун буйи эзиб,  
Рухимда бир хорғинлик сездим.  
Хаёллар қанотида кезиб,  
Рухимга осойиш изладим.

Ёмғири йўқ макон изладим,  
Ва қидириб топдим ҳам уни.  
Аммо рухим топади ором,  
Кўмсаб турар ёмғирли кунни.

Майли, ёғсин ёнокларимга,  
Шабнам каби киприкка қўнсин.  
Майли, қўнсин дудокларимга,  
Кўшиқ бўлиб қалбимга сингсин.

### ТАБИАТ – ОНАЖОН

Табиат бағридан изладим ором,  
Япроқлар шивиридан тингладим калом.  
Күшлар навозишида ажиб бир муқом,  
Табиат – онажон, сенга эҳтиром.

Шабадалар күй чалиб, куйлашди алёр,  
Қалдирғочлар тизилиб айтишди ёр-ёр.  
Солланиб турфа гуллар таратди ифор,  
Табиат-онажон, сенга эхтиром.

Ойнадек сувларда аксимни күрдим,  
Шод бўлиб, сочимни майдалаб ўрдим.  
Жамолингта беҳад маҳлиё бўлдим,  
Табиат-онажон, сенга эхтиром.

Буюк ҳакимдирсан, дардларга даво,  
Оlam сен-ла кўзга кўринар зебо.  
Ўзингсан барчага муқаддас маъво,  
Табиат-онажон, сенга эхтиром.

### ЯЛПИЗ

Ариқ лабида бўй чўзди ялпиз,  
Жажжи барглари баҳмалга монанд.  
Ифори гўёки бокира бир киз,  
Сармаст айлаб хаёлингни этар банд.

Солланади шабадада мастона,  
Мушки анбари борликни тутар.  
Бағрида авайлаб, бўлиб парвона,  
Табиат ҳар баҳор ялпизни кутар.

### ЛОЛА САЙЛИ

Лола сайлига чиқайлик, эркам,  
Бағрига чорлар гўзал наботот.  
Борликқа назар сол, жуда ҳам кўркам,  
Бу дамлар тушимга киради бот-бот.

Ёмғир сувига юз чаяр лола,  
Гўзал орази губордан фориғ.  
Кўринар узокдан бўлиб шарора,  
Барча сўз мақтвлар унгадир тортиғ.

Гўзал ёноғинг акс этар унда,  
Бағридаги хол қоп-қора кўзинг.  
Нигоҳлар узилмас ҳеч тўймас дийда.  
Бунда шоирона бўлар ҳар сўзинг.

Айланиб ракс этар шўх капалак,  
Күшлар хониши ўзгача ва соз.  
Болалар қўлида ранг-баранг варрак,  
Баҳор, сенга шеърим бўлсин пояндоз!..

### РАЙҲОН

Табиат бағрида хилма-хил гуллар,  
Ранглар жилосидан кўзлар қувонар.  
Кизлар ёноғи-чи, гулдан ранг олар,  
Ошиклар қўлида гулхандай ёнар.

Жамики гулларни севаман чексиз,  
Аммо гули райҳон мен учун азиз.  
Майда гул баргларин ўпид силайман.  
Ифоридан бирорни ёниб излайман.

### НИЛУФАР

*Жиянимга*

Сув бағрида ўсар нилуфар,  
Оби ҳаёт унинг бешиги.  
Нафис эрур худди тонг қадар,  
Куёш нури унинг эрмаги.

Ой ёғдуси унга пайваста,  
У юлдуздан олгандир андоз.  
Зилол сувлар чайқалар аста,  
Тўлкин унга бўлар пояндоз.

Нилуфар гул ёшлиқ баҳори,  
Покиза, оқ орзуладар мисол.  
Эзгу туйғу қалбнинг сурури,  
Ёғду сочар гўёки ҳилол.

## ҚАЛДИРФОЧ

Миттигина қалдирғоч,  
Сени күриб бўлдим шод,  
Узоклардан келибсан,  
Соғинганим билибсан.

Мунисим, ёнимга кел,  
Кўлгинамга қўна қол.  
Айтадиган сўзим кўп,  
Тоқат қилиб қулоқ сол.

Қанотларинг силайин,  
Юзларингдан ўпайин.  
Ҳасратларим бир дунё,  
Сенга баён этайин.

Сен ўзинг жажжи бир қуш,  
Мұҳаббатингдир улкан.  
Инсонни севиб сархуш,  
Бош узра уй қурасан.

Сендаги мәхр-оқибат,  
Ҳаммада тенг бўлсайди.  
Ер юзидан қабоқат,  
Узлатга чекинарди.

Инсонлар олсин таълим,  
Сенинг юксак мәхрингдан.  
Ва қилсинлар минг таъзим,  
Лол колсинлар сеҳрингдан.

## ҚЎКЛАМНИ КУТАР КЎНГИЛ

Изғирин кўз очирмас,  
Қиши фасли ҳеч шошилмас.  
Далада елар шамол,  
Қуёш кўрсатмас жамол.  
Қишининг фахри оппок қор,

Жуда гўзал нақшинкор.  
Рақс этиб қўнар ерга,  
Манзур бўлай деб элга.  
Ой соғинар юлдузни,  
Қуёш эса кундузни.  
Тўқсон кунда роса қиши,  
Бизга келтириди ташвиши.  
Хар жон куттар кўкламни,  
Безасин деб ўлкамни.  
Ёриб булут кўксини,  
Куёш бобо нур сочди.  
Сувда кўриб аксини,  
Бинафша хандон отди.  
Чараклаб кетди олам,  
Барча бўлди шод-хуррам.  
Гулдираб чакди чакмок,  
Яшариб кетди ўтлок.  
Шивалаб ёғди найсон,  
Эл куттар катта эҳсон.  
Чикди чучмома, ялпиз,  
Ва бўтакўз, оқ наргис.  
Кувноқ ва шўх қалдирғоч,  
Баҳор элчиси ҳар чоғ.  
Ноғора чалди лайлак,  
Осмонда ёй камалак.  
Қизлар чикди далага,  
Атроф тўлди яллагага.  
Момолар бугун чакқон,  
Сумалак чун осар қозон.  
Кўк сомса-ю ва ҳалим,  
Ноз-неъмат лим-лим.  
Болалар шодон кувнок,  
Завқ бағишлиар аргимчок.  
Куёш ҳамал буржида,  
Куй қўшиклар авжида.  
Кириб келди Наврузой,

Оламга бериб чирой.  
Этагида гул чечак,  
Бўлиб мисли келинчак.  
Атрофга бокди шўх-шан,  
Ҳамма ёқ бўлди равшан.  
Бўлсин қадаминг кутлуғ,  
Бу йил режалар улуғ,  
Бахтга тўлсин кенг олам.  
Биздан чекинсин алам,  
Кут-барака мўл бўлсин,  
Бизга ёруғ йўл бўлсин.  
Юртим, Наврўз муборак,  
Севинчдан тепар юрак.

### МАҲБУБ БЎЛДИМ

Сочларингни силар шаббода,  
Мушк анбаринг анқир ҳавода.  
Сархуш айлар мисоли бода,  
Маҳбуб бўлдим, айла наззора.

Юзларинг ойdir, қошларинг кундуз,  
Қипригинг мадҳида тополмадим сўз.  
Кўзларинг ёғдуси гўёки юлдуз,  
Маҳбуб бўлдим, айла наззора.

Қоматинг адл, хижолат шамшод,  
Болдек сўзингдан кўнгилдир обод.  
Сўзларим тингла, гўзал паризод,  
Маҳбуб бўлдим, айла наззора.

Қалбим түғёнин этайин ошкор,  
Ишқим баёнин сўйлайин такрор.  
Кўнглимни очдим қолмади асрор,  
Маҳбуб бўлдим, айла наззора.

## ИЗХОРИ ДИЛ

*Нозимага*

Нигоҳларинг мисоли оху,  
Қора қошлар қалдирғоч қанот.  
Оразингдан ёғилар ёғду,  
Таърифингни мадҳ этар баёт.

Зийнатингдир хулқ ила одоб,  
Ақли расо – тенсиз оқила.  
Иқболингдан күнгилдир обод,  
Пок ниятлар сенга ҳавола.

Мұхаббатим сенга пояндоз,  
Оlam умрин этайин тортиқ.  
Анбар гуллар йўлингта пешвоз,  
Сени севгум жонимдан ортиқ.

## БИБИХОНИМ

Жаҳонгир Темурнинг  
севимли ёри,  
Бибихоним, Бибижоним  
бибижон.  
Гўзалликда танҳо  
Турон дилбари.  
Номингиз машҳурдир  
билади жаҳон.

Темур бобом сизга  
саждалар қилган.  
Қабонгиз барини  
суртган кўзига,  
Сиз зукко дилбарни  
малак деб билган.  
Шукроналар айтган  
такдир измига.

Шоирлар назмидა  
үтли ғазалсиз.  
Шаффоф туйғу бўлиб  
оқади наво.  
Кўшиқлар оҳангидан  
сайқалсиз.  
Даврлар аро янграб  
туар бу садо.

### МУАЛЛИМ

Ҳаётнинг гултожи азиз муаллим,  
Шогирдлар камолин истар ҳар доим.  
Энгу эзгу тилаклар юракда лим-лим,  
Оlam борича туриңг, муаллим.

Сиз йўлчи юлдузсиз, йўл бошловчи зот,  
Шаҳдам қадам ташлар толиб қўнгли шод.  
Илмингиз машъалдир, сизга ёр сабот,  
Оlam борича туриңг, муаллим.

Кумуш соchlарингиз заҳмат маҳсули,  
Юздаги ажинлар машакқат йўли.  
Бугун таъзимдадир шогирдлар кўли,  
Оlam борича туриңг, муаллим.

Қадрингиз юксакдир юлдузга қадар,  
Мехрингиз оташи шамсга баробар.  
Нафақат устозсиз – волида, падар,  
Оlam борича туриңг, муаллим.

### МАВЛУДА ҚИЗ

Чиройингдан лол оху,  
Қароғинг сочар ёғду.  
Тишларинг дуру инжу,  
Мафтунман, Мавлуда қиз.

Соҳибаи билимсан,  
Илм-ла дилинг равшан.  
Фан боғинг бўлсин гулшан,  
Камол топ, Мавлуда қиз.

Юракда нафис туйғу,  
Тилагинг доим эзгу.  
Ҳеч кўрма ғаму қайғу,  
Бахтли бўл, Мавлуда қиз.

### МУСАВВИРГА

Мусаввир расмимни чизмоқ истади,  
Кўлида мўйқалам, хаёлга толди.  
Мусаввир, не бўлди, нега тўхтадинг,  
Кандай ўй хаёллар асирга олди?

Маҳзун чехрам сени ўйлатдими-ё,  
Дилдаги түфён юзга кўчдими?  
Мусаввир, не бўлди, нега тўхтадинг,  
Илҳом париси қўлдан учдими?

Илтимос, мусаввир, айблама мени,  
Кўзларимга бокқин, кўзларимни чиз.  
Мусаввир, не бўлди, нега тўхтадинг,  
Гар дардин укмасанг, чизмагин ҳаргиз.

Кўзларимда бутун олам мужассам,  
Фам, ташвиш ва қувонч қорачикда жо.  
Мусаввир, не бўлди, нега тўхтадинг,  
Бу айни ҳақиқат эмасдир рўё.

Фараҳли дамларда қувончдан порлар,  
Жозиба бағишлар гулгун чехрага.  
Мусаввир, не бўлди, нега тўхтадинг,  
Шоир бу дамни тизар мисрага

Мусаввир , илтимос, борини чизгин...

## БОЛАЛИК ДУНЁСИ

Катта туфли кийибсан, эркам,  
Улгайишни қилдингми ҳавас?  
Тезда етиб келадир ул дам,  
Болаликнинг гаштин сур сен ҳам.

Далада югур мисоли жайрон,  
Изингдан елиб етмасин шамол.  
Сувда суз, бўлсин баликлар ҳайрон,  
Тупроқни кечиб, сен топгин камол.

Капалак-ла ўйна завққа тўлиб,  
Тол хивичдан ясаб ол тойчоқ.  
Бу даврнинг осмонида ой бўлиб,  
Нур таратиб тургин сен чакноқ.

Яйра, дилда армон қолмасин,  
Қайтиб келмас бу дамлар асло.  
Факат қолар ширин хотира,  
Ва сехрли мафтункор дунё.

Улгайишнинг ташвишлари кўп,  
Ҳаёт уммон, биз эса маллоҳ.  
Чанг-тўзони кўзга ташлар чўп,  
Сени доим қўлласин оллоҳ.

Ҳар даврда бор тошу тарозу,  
Гуноҳу савобни тортиб туради.  
Элинг сендан бўлмаса рози,  
Тўлқин сени четга суради...

Ҳар нарсанинг вақти бор, эркам,  
Ўз вақтида ҳар нарса суюк.  
Болаликнинг даврин сур бекам,  
Зар сатрлар-ла битилар бу ҳам.

## ГҮДАК ИСИ

Жажжи қўлчаларинг  
сийпалар юзим.  
Маъсум табассуминг  
лаб очган фунча.  
Юзларингта боқиб  
кувонар кўзим.  
Болдан-да ширин  
бўлибсан мунча.

Сархуш айлаб, сеҳрлар  
муаттар исинг.  
Хижолатдир бу исдан  
ҳатто жами гул.  
Борлиғимни чулғади  
гўдаклик ҳисси,  
Бу туйғу асирига  
айландим буткул.

## ХАДИЧА

Мафтунингман, Хадича,  
Хушрўйсан қизлар ичра.  
Лабларинг мисли фунча,  
Яратганга тасанно.

Рафторингдан товус лол,  
Кокилларинг мажнунтол.  
Кўрк бағишлар дона хол,  
Табиатта тасанно.

Зар бармоқли оқила,  
Кулгиси шўх шалола.  
Мехрим сенга ҳавола,  
Волиданга тасанно.

## **СИГИНАМАН СЕНГА, ШЕЬРИЯТ**

Хаяжондан энтикканимда,  
Ё фамларга чўккан онимда,  
Ё дўстлар-ла кўришсам дийдор,  
Гоҳ ракибдан чексам-да озор,  
Талпинаман сенга, шеърият.

Кувончларим сенга битаман,  
Фамларимни сенга тўкаман,  
Кулиб, йиглаб сенга айтаман,  
Ҳамроз топмай сенга қайтаман,  
Интиламан сенга, шеърият.

Сен нур бўлиб руҳимга кирдинг,  
Ташвишларим елкамдан инди,  
Сен ўзингсан ширин бир ором,  
Қалбимдаги чашмаи илҳом,  
Сигинаман сенга, шеърият.

## **ТИЛСИЗ МАКОН, ТИЛСИМ МАКОН**

*Барчамиз бу йўлда аммо  
Ким кейин, ким илгари  
Чустий.*

Туғилганмиз бир куни,  
Фоний дунёда меҳмон.  
Ва кетармиз бир куни,  
Бокий дунёга мезбон.

Тилсим макон бағирлаб,  
Қанча руҳлар ётибди.  
Тирикларни сағирлаб,  
Шу манзилга етибди.

Навбатлию навбатсиз,  
Аралаш экан дунё.  
Ким кейин, ким илгари,  
Билиб бўлмайди асло.

Тилсиз экан бу макон,  
Тилсим экан бу макон.

Эртакдаги ёрилтош,  
Сизга эмасми ўхшаш?  
Эслайман кўзимда ёш,  
Хаёт эртакка ўхшар.

Ёрилган тош, ёрилгин  
Мен бобомни кўрайин,  
Аҳволини сўрайин.

Ёрилган тош, ёрилгин,  
Мен бувимни кўрайин,  
Дийдорига тўяйин,  
Йиғлаб сухбат курайин,

Тилсиз экан бу макон,  
Тилсим экан бу макон,

Кароматинг кўрсатгин,  
Қон-қардошим кўрайин.  
Софингчларим сўйлайин,  
Сенга раҳмат айтайин.

Кетдилар, келмадилар,  
Бир хабар бермадилар.  
Кўз ёшим кўрмадилар,  
Холимни сўрмадилар.

Чексиз қайғута ботдим,  
Рухларини ёд этдим.  
Гамни едкамдан отдим,  
Дилимга таскин топдим.

Тилсиз экан бу макон,  
Тилсим экан бу макон.

Жойингиз бўлсин жаннат,  
Унда топинг фароғат.  
Озор кўрмасин замин,  
Тинч ётинг, илохи омин!..

Тилсиз экан бу макон,  
Тилсим экан бу макон.

### МЕНИ ЁЛҒИЗ ҚЎЙИНГ

Гоҳида қўзимга тор бўлар дунё,  
Ҳаёлимда замин айланар чаппа.  
Юрагим гўёки бўшлик бир сахро.  
Ором беролмайди руҳимга сабо.

Ёлғизлик истайди, кўнглим ёлғизлик,  
Ўз ҳолимга қўйинг, ҳаёл сурайин.  
Оlam ташвишларин унутиб бир зум,  
Ҳаёлим-ла ёлғиз сұхбат қурайин.

Нега ўз ҳолимга қўймайсиз сира,  
Кўзларим селобдан бўлмоқда хира.  
Юрагим тўфони тинсин бир лаҳза,  
Мени танҳо қўйинг, келайин ўзга.

Сўзларимга кулок бермадингиз сиз,  
Ёнимда турдингиз, сабр-ла сассиз.  
Минг таъзим, дўстларим, бердингиз таскин,  
Сизларга айтайин беадад таҳсин.

Мени ёлғиз қўйманг асло, дўстларим.

## ЖОН АКАМ, ЖОН УКАМ

Алп қоматли, жон акам,  
Шер савлатли, жон укам.  
Сиз менинг ифтихорим,  
Дилимдаги мадорим.  
Хам шарафим, хам шоним,  
Сизлар жони жаҳоним.  
Суянчим сизлар менинг,  
Таянчим сизлар менинг.

Қаерларда бўлмангиз,  
Менинг меҳрим билан сиз,  
Хизматимга ҳар доим,  
Бел боғлаб шай турасиз.

Викорли тоғ, жон акам,  
Ифорли боғ, жон укам,  
Суянчим сизлар менинг,  
Таянчим сизлар менинг.

Химоячим эрурсиз,  
Соф меҳрингиз берурсиз.  
Икки олам баҳтини,  
Менга тортиқ этурсиз.

Офтоб сиймо, жон укам,  
Тошқин дарё, жон укам,  
Суянчим сизлар менинг,  
Таянчим сизлар менинг.

Баҳтимга омон бўлинг,  
Үйимни обод этинг,  
Бошимга посбон бўлинг,  
Юрагимни шод этинг.

Боғбон мисол, жон укам,  
Бўстон мисол, жон укам,  
Суянчим сизлар менинг,  
Таянчим сизлар менинг.

### СЕН КЕЛАСАН

Сунбулада сув тиник, оҳиста оқар,  
Шакл ясаб самода турналар ўтар.  
Заъфарон япроқлар хазин куй чалар,  
Турналардай сен ҳам йирокқа кетдинг.

Фасллар ўтар, келар мен кутган баҳор,  
Шарқираб, пишқириб, ўйноклар анхор,  
Яна күшлар қайтар, соз чалар такрор,  
Улар қайтди, биргина сен қайтмадинг.

Турналар кўзидан сени сўрадим,  
Қалдирғоч куйидан сени изладим,  
Кирғокка тўш урган тўлқинга бордим,  
Улар сен ҳақингда бир сўз айтмади.

Айт қайдасан, қайларда қолдинг,  
Интизор қалбимни ҳижронга солдинг,  
Рухимни қийнадинг, қарорим олдинг,  
Ё айт манзилинг, ўзим борайин?

Сени кўргум шабнамнинг титрофида,  
Лаҳза меҳмон қизғалдок япроғида,  
Сени кўргум ўчмас умид чироғида,  
Сен албатта оқкуш бўлиб қайтасан.

## ШАХРИЗОДА ЭРТАГИ

Нигохингиз бунчалар маъюс,  
Қорачикда мавж урар уммон.  
Фам селидан ювилмокда юз,  
Тошмок учун излайди имкон.

Тилмоч бўлсин нигоҳлар майли,  
Менга сўйланг, бўлай ғамгузор.  
Бағрингизни ўртаган дардга,  
Меҳрим бўлсин минг бора нисор.

Киприкларим дардингиз олсин,  
Малҳам бўлсин азоблар учун.  
Сизга бўлгум бу кеч Шаҳризод,  
Эртак айтгум ҳеч топмас якун.

Эртагим кўп, тугамас ҳеч ҳам,  
Улар чексиз ўй, хаёл қадар.  
Сизни аста тарк этади ғам,  
Қалбингизда оппоқ тонг отар.



## МУНДАРИЖА

ИФТИХОР .....	3	ОНАЖОН .....	21
МУКАДДАС ШАХРИМ .....	4	БҮЗТҮРГАЙ .....	21
БУХОРО .....	4	ЁМФИР ЕФДИ .....	22
КАЕРДАСИЗ, ЛАЙЛАКЛАР .....	5	ТАБИАТ – ОНАЖОН .....	22
ШУКРОНА .....	6	ЯЛПИЗ .....	23
ВАТАН МЕХРИ .....	7	ЛОЛА САЙЛИ .....	23
МАФТУНИНГМАН, ШЕЪРИЯТ ....	7	РАЙХОН .....	24
НУРГА ОШУФТА ЮРАК .....	8	НИЛУФАР .....	24
ТОНГ КИЗИ .....	8	ҚАЛДИРҒОЧ .....	25
ШИРИН ХАЁЛ .....	8	КЎКЛАМНИ КУТАР .....	
ХИЛОЛ .....	9	КЎНГИЛ .....	25
КЕТМА, КҮЁШ .....	10	МАҲБУБ БЎЛДИМ .....	27
ТУН .....	10	ИЗҲОРИ ДИЛ .....	28
УМИД ЧИРОГИ .....	10	БИБИХОНИМ .....	28
УМР .....	12	МУАЛЛИМ .....	29
ТОНГ .....	12	МАВЛУДА КИЗ .....	29
ДАДАЖОННИМ .....	13	МУСАВВИРГА .....	30
ЎРИК ГУЛИ .....	14	БОЛАЛИК ДУНЁСИ .....	31
ИСИРИК .....	14	ГЎДАК ИСИ .....	32
ТОҒЛАР .....	14	ХАДИЧА .....	32
БАҲОР .....	15	СИҒИНАМАН СЕНГА .....	
КИЗҒАЛДОҚ .....	16	ШЕЪРИЯТ .....	33
ШУДРИНГ .....	16	ТИЛСИЗ МАКОН .....	
МАЖНУНТОЛ .....	17	ТИЛСИМ МАКОН .....	33
КИЗЛАРЖОН .....	18	МЕНИ ЁЛҒИЗ ҚЎЙИНГ .....	35
БИЛУРМИСАН ҚИСМАТИНГ.....	18	ЖОН АКАМ, ЖОН УКАМ .....	36
КИСМАТ .....	20	СЕН КЕЛАСАН .....	37
ГУЖУМ .....	20	ШАҲРИЗОДА ЭРТАГИ .....	38

Китобни безашда Ўзбекистон халқ рассоми  
ИСКАНДАР ИКРОМОВ расмларидан фойдаланилди.

*Адабий-бадиий нацир*  
БИБИРАЖАБ ЭРГАШЕВА  
НУРГА ОШУФТА ЮРАК  
Шеърлар

ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ "ТУРОНДОТ"  
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Мұхаррір	<i>И. Зойир</i>
Мусаввир	<i>Ж. Съдулла</i>
Саҳифаловчи	<i>Т. Смирнова</i>
Мусиххих	<i>Д. Киличева</i>

Босишига рухсат этилди 10.03.2000 й.да. Бичими 70x90 1/32.  
Тип таймс гарнитура. Шартли босма табоқ 1.46. Нашр босма  
табоги. 1.4. Жаъми 1500 нусха. Буюртма № 4183

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Дилшод Қиличнинг "Турондот" хусусий корхонаси.  
Тошкент, Корабулок кўчаси, 21.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
1-босимхонасида босилди.  
700002, Тошкент, Сигбон кўчаси, 1-берк кўча, 2 уй.



290



Сен нур бўлиб руҳимга кирдинг,  
Сеҳринг ила маҳлиё этдинг,  
Сен ўзингсан шиорин бир ором,  
Соф дилдаги чашмаи илҳом,  
Сигинаман, сенга шеърият.

